

Ўзбекистон республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

Қарши муҳандислик – иқтисодиёт институти

Магистратура бўлими

**Қўлёзма ҳуқуқида
УДК:661.52**

Шабарова Умида Нормуминовна

**«Физиологик фаолликка эга бўлган суюқ азотли ўғитлар олиш
технологияси (ЎзР ФА Умумий ва ноорганик моддалар кимё
институти мисолида)»**

**Мутахассислик: 5A320401-Ноорганик моддалар кимёвий
технологияси (минерал ўғитлар кимёвий технологияси)**

**Магистр
академик даражасини олиш учун ёзилган
диссертация**

Илмий раҳбар

_____ **т.ф.н. Кучаров Б.Х.**

«__» _____ 2014 йил

Қарши– 2014

МУНДАРИЖА

Кириш	7
I боб. Минерал ўғитлар олиш жараёнида карбон кислоталар этаноламинлар қўлланилишининг физик- кимёвий асослари.	12
1. Суюқ азотли ўғитлар характеристикаси ва олиш усуллари.....	12
2. Суюқ азотли ўғитларнинг физик-кимёвий хоссалари.....	27
I боб бўйича хулоса	31
II боб. Тажриба ва анализларни олиб бориш усуллари	33
1. Бошланғич моддалар характеристикаси.....	33
2. Кимёвий ва физик-кимёвий анализ усуллари	34
3. Сирка кислота, моноэтаноламин, карбамид, аммоний нитрат ва нордон уксус моноэтаноламмоний таркибли “Таркиб-хосса” системасида эрувчанлик тадқиқоти.....	38
3.1. Сирка кислота – моноэтаноламин – сув системасида компонентларнинг эрувчанлиги.....	38
3.2. Нордон сирка кислотали моноэтаноламмоний-карбамид-сув системасининг “таркиб-хосса” диаграммасини ўрганиш.....	43
3.3. Бир ўрин алмашувчи нордон сирка кислотали моноэтаноламмоний - аммоний нитрат – сув системасининг эрувчанлик политермаси.....	49
3.4. Нордон сирка кислотали моноэтаноламмоний (45% карбамид +55% аммоний нитрат) – сув системасининг эрувчанлик политермаси.....	53
II боб бўйича хулоса	56
III боб. Карбамид, аммоний нитрат, нордон сирка кислотали моноэтаноламмоний асосидаги суюқ азотли ўғитлар олиш технологияси	58
1. Нордон сирка кислотали моноэтаноламмоний ва карбамид-аммиакли селитра эритмаларининг реологик хоссаларини	

Ўрганиш.....	58
2. Монокарбон кислотанинг моноэтаноламмоний тузлари ва аммоний нитрат, карбамид асосидаги суюқ азотли ўғитлар олишнинг технологик схемасини ишлаб чиқиш.....	65
III боб бўйича хулоса.....	69
Хулоса	70
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	72
Илова	

Кириш

Ўзбекистон Республикасида қабул қилинган 2011-2015-йилларда саноатни устувор даражада ривожлантириш дастури ва ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашга доир тармоқ дастурларининг изчил амалга оширилиши натижасида саноат таркибида юқори қўшимча қийматга эга бўлган, рақобатдош маҳсулотлар тайёрлаётган қайта ишлаш тармоқларининг ўрни тобора ортиб бормоқда. Бугунги кунда мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган саноат маҳсулотларининг 78 фоиздан ортиғи айнан ана шу тармоқлар ҳиссасига тўғри келмоқда.

Сўнгги 3-йилда мамлакатимизда маҳаллийлаштирилган маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажми қарийиб икки баробар ошди. Фақат ўтган йилнинг ўзида 455 та корхонада маҳаллийлаштириш дастури асосида 1 минг 140 та лойиҳа амалга оширилди. Бунинг натижасида ишлаб чиқариш ҳажми 1,2 баробар кўпайди ва импорт ўрнини босиш бўйича якуний самара 5 миллиард 300 миллион АҚШ долларини ташкил этди.

Шу йили фаолият кўрсатаётган корхоналарни модернизация қилиш техник ва технологик қайта жиҳозлаш ҳамда замонавий юксак технологияларга асосланган янги ишлаб чиқаришни ташкил этишни тезлаштириш борасида фаол инвестиция сиёсати юритишга алоҳида эътибор қаратилди.

Бугунги кунда кўплаб ривожланган ва жаҳон иқтисодиётида етакчи ўрин тутадиган мамлакатлар тажрибаси шуни сўзсиз исботлаб бермоқдаки, рақобатдошликка эришиш ва дунё бозорларига чиқиш, биринчи навбатда, иқтисодиётни изчил ислох этиш, таркибий жихатдан ўзгартириш ва диверсификация қилишни чуқурлаштириш, юқори технологияларга асосланган янги корхона ва ишлаб чиқариш тармоқларининг жадал ривожланишини таъминлаш, фаолият кўрсатаётган қувватларни

модернизация қилиш ва техник янгилаш жараёнларини тезлаштириш хисобидан амалга оширилиши мумкин.

Юртимизда экин майдонларини оптималлаштириш ва қишлоқ хўжалиги экинларини районлаштириш борасида ҳар томонлама пухта ўйланган сиёсат олиб борилаётгани энг муҳим хомашё ва экспортбоп маҳсулот бўлмиш пахта етиштиришнинг нисбатан барқарор ҳажмини сақлаган ҳолда, бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришни бир неча баробар кўпайтириш имконини берди. Кимё саноатида Қўнғирот сода заводининг иккинчи навбати қурилади ва шунингдек, “Навоиазот” очик акциядорлик жамиятида метанол, аммиак ва карбамид ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ва бошқа лойиҳалар амалга оширилади.

Мавзунинг долзарблиги: Ўзбекистон Республикасини 2010-2015 йилларга мўлжалланган иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг асосий йўналишларида минерал ўғитлар ишлаб чиқариш саноатини юксак даражада ривожлантириш кўзда тутилган. Суюқ комплекс ўғитлар ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг иқтисодий ва изчил кўринишларидан бири карбамид аммиакли селитра ишлаб чиқариш ҳисобланади. Суюқ комплекс ўғитлар қаттиқ ўғитларга нисбатан бир қатор афзалликларга эга: чангимайди, ёпишқоқ эмас, эркин оқувчанлик билан фарқланади, ишлаб чиқариш технологияси ва қурилмаларини йиғиш оддий. Қурилмаларни жойлаштириш оддийлиги ва технологик жараёндаги қўшимча босқичлар (қуриштириш,буғлатиш, грануллаш) амалга ошириш грануллашган ўғитлар олиш жараёнига нисбатан 2-3 марта сарф-харажатни камайтиради. Суюқ комплекс ўғитлар ишлаб чиқаришнинг юқори иқтисодий кўрсаткичларга эришиш катта қувватли агрегатлар яратишни талаб этмайди.

Карбамид аммиакли селитра кўринишли суюқ комплекс ўғитлар аралашмасида физиологик актив моддаларни қўллаш эффектив қулайликка эга.

Бу тадқиқот ишида актуал муоммолардан бири, яъни физиологик актив моддали эффектив модифицирланган суюқ азотли ўғитлар олиш технологиясини ишлаб чиқишдир.

Қишлоқ хўжалик экинларини юқори ҳосилдорлиги ўсимликларни микро- ва макроэлементлар билан озиқланиши ҳисобига эришилади. Тадқиқотлар натижасида ўсимликдаги аммиакли азот ёки ундаги қайтарилиш натижасида ҳосил бўлган нитрат ва нитритлар ўсимликда тўпланмайди, лекин углеводлар ва оксидланишдан органик кислоталар ҳосил бўлган маҳсулотлар таъсирида аминокислоталар ва амидлар-аспарагин ва глютаминлар ҳосил бўлади. Бундай бирикмаларга моно-карбон кислоталарни моноэтаноламмонийли тузи киради.

Карбамид аммонийли селитра таркибида моноэтаноламмонийли уксуснинг борлиги уни сарфланиш нормасини камайтиради, пахтани ўсишини кучайтиради, кўсак етилишини тезлаштиради, ўсимликда азот, фосфор ва калийдан қўлланиш коэффицентини оширади, пахта ва буғдой касалликларини камайтиради, буғдой ва тўқима сифатини яхшилайдди, полиз ва сабзавот экинлари остига берилганда илдиз орқали озиқланиб барги билан унинг ҳосилдорлиги ортади.

Модифицирланган комплекс азотли ўғитлар олишнинг технологик схемасини ва назарий асосларини ишлаб чиқиш қишлоқ хўжалиги олдида муҳим вазифалардан биридир.

Тадқиқот мақсади: Сирка кислота ва моноэтаноламинли карбамид аммиакли селитра асосида физиологик актив моддали янги суюқ ўғитлар ишлаб чиқаришнинг оптимал технологик параметрларини аниқлаш, принципиал технологик схемасини ишлаб чиқиш ва физик-кимёвий асослаш.

Тадқиқот вазифалари

Ишда қуйидаги вазифалар ечилади:

- кенг концентрация интервалида моноэтанолламин ва сирка кислота асосидаги системада “таркиб ва ҳосса”сини ва ўзаро эрувчанлигини ўрганиш

- кенг ҳарорат ва концинтрация интервалида нордон сирка кислотали моноэтанолламмонийнинг сувли эритмасида аммоний нитрат, карбамид эрувчанлигини ўрганиш

- сирка кислота ва моноэтанолламмоний асосидаги физиологик актив модда олиш жараёнини ўрганиш, оптимал технологик параметрларини аниқлаш ва физиологик актив модда олиш жараёнининг технологик схемасини ишлаб чиқиш

- суюқ азотли ўғит олиш жараёнини ўрганиш, ишлаб чиқаришнинг оптимал технологик параметрларини аниқлаш ва карбамид, аммоний нитрат, сирка кислота ва моноэтанолламин асосидаги суюқ комплекс ўғит олишнинг технологиясини ишлаб чиқиш, йирик лаборатория синовларини ўтказиш

- олинган физиологик актив моддали суюқ комплекс азотли ўғитларнинг реологик ва физик-кимёвий хоссаларини тадқиқ қилиш ва агрокимёвий эффективлигини баҳолаш.

Тадқиқот объекти ва предмети. Тадқиқот объекти карбамид, аммоний нитрат, карбамидаммиакли селитра, сирка кислота ва моноэтанолламин ҳисобланади.

Тадқиқот предмети. Суюқ карбамидаммиакли селитра асосида унинг таркибига физиологик актив модда киритиш йўли билан ўсимликни ўстирувчи стимулятор таркибли янги суюқ азотли ўғитларни яратиш.

Тадқиқот усули. Визуал-политермик усул ва изомоляр сериялар усули. Аналитик кимё, термик, инфрақизилспектроскоп ва рентгенфазали анализ, ядро магнитрезонанс спектроскопия, пикнометрик усул. ВПХ

вискозиметри, ЭВ-74 универсал монометри, БМ модели ИРФ 454 рефрактометри, ядро магнит резонансли спектроскопия.

Ишнинг ҳажми ва структураси: Диссертация уч бобдан иборат бўлиб, кириш, адабиётлар шарҳи, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва хулосадан иборат.

Диссертация ишининг биринчи бобида карбамид, аммоний нитрат, моноэтанолламин, сирка кислота асосидаги суюқ азотли ўғитлар олишнинг технологик ва физик-кимёвий тадқиқоти тўғрисида маъумот келтирилган ва илмий хулосалар шакллантирилган.

Тадқиқотнинг иккинчи бобида бошланғич модданинг, яъни модифицирланган физиологик актив модданинг физик-кимёвий характеристикаси келтирилди. Кенг ҳарорат ва концентрация интервалида кўп компонентли системани ўрганишнинг инструментал усуллари, шунингдек ушбу диссертация ишида қўлланилган изомоляр сериялар ва стандарт физик-кимёвий анализ усуллари келтирилди.

Тадқиқотнинг учунчи бобида эса моноэтанолламин ва сирка кислота асосидаги енгил учувчан фракцияли, карбамид аммиакли селитрадан иборат суюқ азотли ўғит олишнинг технологик усулларида фойдаланиш амалиётини такомиллаштириш йўллари кўрсатиб ўтилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги: Стимуллаш хусусиятига эга бўлган комплекс таъсир қилувчи азотли ўғитлар олишнинг физик-кимёвий ва технологик асосларини яратиш мақсадида биринчи марта анализнинг визуал-политермик ва изомоляр усуллари орқали сув, карбамид, аммоний нитрат, сирка кислота, моноэтанолламин, нордонуксусли моноэтанолламмоний ва карбамидаммиакли селитрани ўз ичига олган 4 лик системада компонентлар таъсири ва эрувчанлиги бўйича кўрсаткичлар олинди.

I боб. Минерал ўғитлар олиш жараёнида карбон кислоталар этаноламинлар қўлланилишининг физик кимёвий асослари

1. Суюқ азотли ўғитлар характеристикаси ва олиш усуллари

Тупроқни биологик азотли ўғитлар билан гўнг ва бошқа минерал ўғитлар сифатида бойитиши беда, йўнғичқа ва бошқа озубоқ дуккакли экинларни экилишини кенгайтиришда, уларнинг ҳосилдорлигини оширишда асосий омил ҳисобланади. Шу билан бирга тупроқда азот балансини оширишда, қишлоқ хўжалик экинларини ҳосилдорлигини ўсишини таъминлашда минерал азотли ўғитларнинг аҳамияти катта. Минерал азотли ўғитлардан суюқ азотли ўғитларни қўллаш эффектив самарадорликка эга [8].

Сўнгги йилларда бир қатор мамлакатларда суюқ минерал ўғитларга нисбатан қизиқиш ортди ва уларни қўллаш ҳамда ишлаб чиқариш ҳажми кенгайди [9].

Суюқ азотли ўғитларни ишлаб чиқариш, ташиш, сақлаш ва ўғит сифатида киритиш бирмунча афзалликларга эга.

Текшириш натижаларига кўра суюқ минерал ўғитларнинг самарадорлиги қаттиқ минерал ўғитлар миқдорининг эквивалент самарадорлигидан юқорироқ кўрсаткичга эга.

Суюқ азотли ўғитларни қўллашда қўл меҳнати кам, транспортлаш, сақлаш ва киритишда жараённи тўлиқ механизациялаш қулайлигига эга.

Бундай ўғитлар тушишда зарарламайди ва уларни микроэлементлар билан, ўсимликларни химояловчи воситалар, морфорегуляторлар ва бошқа биологик актив моддалар билан аралаштириш (суюқ аммиакдан бошқа) қулай [9,10].

Суюқ азотли ўғитлар ишлаб чиқаришда куриштириш, грануллаш ва кадоқлаш жараёнлари ҳисобига энергияга бўлган талаб камаяди, натижада ишлаб чиқариш жараёни давомийлиги қисқаради ва ишчи кучи, энергияга бўлган талаб тежалишига эришилади [9,15].

Шунинг учун ҳам суюқ азотли ўғитларга бўлган талаб йилдан йилга ортиб бормоқда.

Суюқ азотли ўғитларга сувсиз ёки (100% ли) аммиак ёки унинг 20-25% ли сувли эритмаси (аммиакли сув деб номланади) киради.

Сувсиз суюқ (сиқилган) аммиак NH_3 - концентранган ўғит, таркибида 82.3 % азот мавжуд [10,13]. Аммиакни қайнаш ҳарорати нолдан паст ($+34^\circ\text{C}$). Демак, нормал шароитда у тезда газ кўринишига ўтади ва ўз-ўзидан унинг ҳажми ортади. Суюқ аммиак юқори босимга эга ва унинг бўғлари барқарорлиги 10-12 атмосферани ташкил этади.

Суюқ аммиак баъзи минерал ўғитларда яхши эрийди, масалан, аммиакли селитрада ёки аммиакли селитранинг кальцийли селитраси ёки мочевинали аралашмасида.

Суюқ аммиак газ кўринишли аммиакни босим остида сиқиш йўли билан олинади. Газни босим остида сиқилган кўринишда махсус аппликатор ёрдамида 16-20 см чуқурликда тупроққа киритилади. Сувли аммиак аммиакнинг сувдаги эритмаси бўлиб, 20-25 % азотни сақлайди. Ўғит сифатида қўлланиладиган сувли аммиак икки хил навли бўлади: 25 % ли аммиак, таркибида 20,5 % азот мавжуд, 20 % ли аммиак таркибида 16% азот сақлайди. 15°C ҳароратда биринчи навли сувли аммиакнинг солиштирма оғирлиги $0,910 \text{ г/см}^3$, иккинчи навли сувли аммиакнинг солиштирма оғирлиги $0,927 \text{ г/см}^3$ ни ташкил этади.

Аммиак сувли эритмасидан чексиз буғ босимига эга. 40°C ҳароратда 25 % ли сувли аммиак учун 0,15 атмосфера босимини ташкил этади [10]. Шунинг учун сувли аммиакни тракторлар учун қўлланиладиган махсус идишда сақланади. Баъзан бу камчилик қўлланиладиган сувли аммиакни сувсиз аммиак билан таққослаганда кам пўлат сарфланадиган кичик техник мураккаблик билан компенсацияланади [16].

Техник эксплуатацион нисбатда 25 % ли сувли аммиак паст ҳароратда (-56°C) музлайди; 20 % ли (-33°C) да музлайди.

Сувли аммиакда азот эркин аммиак (NH_3) ва аммоний (NH_4) кўринишда бўлади. Шунинг учун эркин аммиакда азот миқдори аммонийга нисбатан кўп бўлади. Сувли эритмада аммиак миқдорининг кўп бўлиши ташиш, сақлаш ва узатишда кўп миқдорда азот йўқолишига сабаб бўлади. Сувли аммиак барча қишлоқ хўжалик экинлари учун тупроқ остига киритилади.

Унда эркин аммиакнинг бўлиши учун 10-18 см тупроқ чуқурлигига киритиш талаб этилади. Аммиакни учувчанлигига кўра азот кўп йўқотилиши сабабли сувли аммиакни юзага киритишга рухсат этилмайди. Бундан ташқари, аммиакни бундай киритилиши ўсимликни куйдиради.

Таркибида 30-41% ли азот бўлган карбамид, аммиакли ёки кальцийли селитра каби А, Б, В аммикатлари ҳозирги кунда кенг қўлланилади. Шунингдек, мочевина ва аммиакли селитра асосли аммикатлар ишлаб чиқилган. Суяқ азотли ўғитларни агрохимёвий текширилганда юқори натижаларга эришилган.

Суяқ азотли ўғитларни ўрганиш тажрибалари шуни кўрсатдики, олинган иқтисодий самарадорлик тупроқ-иқлим шароитлари, тупроқнинг механик таркиби ва реакциялари, экиладиган экинлар хусусиятлари, ўғитни техник киритиш ва муддатлари, миқдорига асосланади.

Бойитилган суяқ минерал ўғитлардан фойдаланиш ўсимликлар озукланишининг балансини таъминлайди, шунингдек меҳнат сарфларини ва воситаларни транспортлашни камайтиради [15].

Сууюқ азотли ўғитларнинг камчилиги: буғ барқарорлиги юқори бўлганлиги учун Ўрта Осиёни иссиқ иқлим шароитида уларни ташиш ва сақлашда йўқотишлар кўп бўлади. Сууюқ азотли ўғитлар-сувсиз аммиак, аммиакли сув ва аммиакатлар унда енгил учувчан азот формаси бўлганлиги учун асосан қишлоқ хўжалик экинларини экишдан олдин тупроққа ишлов бериш йўли билан киритилади. Юзали киритишда ёки сууюқ ўғитларни ёмон тақсимланиши азотни кўп миқдорда йўқотилишига сабаб бўлади, натижада ундан фойдаланиш самарасиз ҳисобланади.

Ҳозирги кунда минерал ўғитлар ишлаб чиқаришда мураккаб ва аралаш ўғитларни ишлаб чиқариш кенг тарқалган бўлиб, бирмунча иқтисодий самарадорликка эга.

Сууюқ ўғитларни узлуксиз олиниш усуллари муаллифлар томонидан [17] патентланган, таркибида мочевино, аммоний нитрат ва сульфат миқдори мавжуд бўлиб, аммоний сульфат алоҳида компонентлар-аммиак ва сульфат кислота кўринишида тақсимланган, системанинг физик ва кимёвий хоссалари тўрт компонентли система: мочевино, аммоний сульфат ва нитрат, сувнинг концентрациялари ёрдамида аниқланади.

Шундай йўл билан қишлоқ хўжалик учун кичик инвестицион ва ишлаб чиқариш сарфларисиз турли олтингугурт миқдорли юқори сифатли сууюқ азотли ўғитлар олиш мумкин.

Аммиак селитра асосли сууюқ ва қаттиқ комплекс азотли ўғитлар ишлаб чиқариш технологик схемаси тавсия қилинган. Мис аммиакли ва моноэтанолламин эритма билан ишланган экстракцион фосфор кислота, карбамид ва аммиакли селитра қўшимчалари бўлган сууюқ комплекс ўғитлар олишнинг оптимал параметрлари жорий этилди [18]. Азот миқдори 24-32%, P_2O_5 -2-5% ни ташкил этади. Бундан ташқари, ўғитда углерод икки оксид, физиологик актив моддалар (моноэтанолламин эритмаси билан қайта ишланган) миқдори мавжуд [18].

Азот, фосфор ва калий миқдорли компонентлари қўлланилган сууюқ комплекс ўғитлар олиш усуллари патентланган бўлиб, калий ёки аммоний

гидрокарбонат ёки карбонат ва бир ўрин алмашувчи аммоний ёки калий фосфат 1:0,8-2,2 моль нисбатда бирикиши билан фарқланади ва ўсимликларни суғоришдан аввал сув билан аралаштирилган ҳолда киритилади. Мураккаб ўғитларнинг компонентлари эритилган калий, аммоний ёки эритилган калий, аммоний ёки натрий фосфат ҳосил бўлади ва карбонат ангидрид ажралади [9].

Муаллифлар томонидан [20] эритмада карбамидни формальдегид билан конденсацияланиш маҳсулотлари бўлган суюқ ўғитлар олиш усуллари ишлаб чиқилган, конденсацияланишнинг 1:4 дан 4:1 (1,5-2:1) нисбатда бошланишида эритмага карбамидни формальдегидга моль нисбатида NH_4NO_3 ва NH_3 қўшилади. NH_4NO_3 таркибидаги амидли азотни азотга нисбати 1:3 дан 3:1 гача NH_3 га қўшиладиган азотнинг максимал миқдори умумий азотга нисбатан 10% дан ошмаслиги керак.

Паст ҳароратда кристалланидиган мочевина ва аммоний нитрат аралашмаси 34-36% ли мочевина эритмаси ва 48-47% ли аммоний нитрат эритмаси аралашмасидан 107-113⁰С ҳароратда олинади. Натижада эритмадаги эркин аммиак миқдори 0,2-0,6% (0,5) ораликда бўлади. Аралашма 60-88⁰С гача совутилади, азот кислота билан эркин аммиак нейтралланади. Олинган аралашманинг кристалланиш ҳарорати - 8,3⁰С дан 7,2⁰С гача ташкил этади [21].

Тадқиқот ишлари [22] таркибида мочевина, аммиакли селитра, аммиак бўлган $\text{Ca}(\text{NO}_3)_2$ асосидаги суюқ ўғитларни ишлаб чиқариш қулайликлари ўрганилган, қуйидаги талабларга жавоб берадиган суюқ ўғитларнинг оптимал таркиби аниқланган: етарли азот концентрациясида қотишнинг мавжудлиги ва иқтисодий самарадорлиги.

Cu, Co, Zn микроэлементлар қўшиш билан ўғит рецептураси аниқланди. Лаборатория шароитида технологияси ишлаб чиқилган. Маҳаллий хом ашё асосида асосий технологик параметрлар жорий этилган. $\text{Ca}(\text{NO}_3)_2$ асосидаги коррозион актив таркибли суғориладиган сув билан

киритиладиган ўғитлар учун суғориладиган система конструкцияси ўрганилди [22].

Муаллифлар [23] калий ёки тетрагидрат кальций нитратдаги магний миқдорли суюқ азот-кальцийли ўғитлар олиш учун азот кислотали унинг аралашмасига сувли муҳитда карбонат, кальций оксид ёки гидроксид ёки магний оксид, гидрооксид ёки NH_3 , ёки бу моддаларнинг комбинацияланган миқ-дори қўшилади. Эримаган бирикмалар нейтраллаш жараёнида эркин кислота ёрдамида чўктириш, филтрлаш ёки центрифугалаш орқали ажратилади.

2. Карбамид, аммоний нитрат, моноэтаноламинни ноорганик ва органик кислоталар ва тузлар билан таъсирининг физик-кимёвий тадқиқоти

Метилацетат, сирка кислота, чумоли кислотали моноэтаноламмоний тузи, аммоний нитрат карбамид асосидаги суюқ азотли ўғитлар олиш жараёнини физик-кимёвий асослаш учун, шунингдек кимёвий бирлигини аниқлаш мақсадида кенг концентрация ва ҳарорат интервалида системадаги компонентларнинг таъсири тадқиқ қилинди.

Илмий адабиётлар юқоридаги бирикмаларни алоҳида системалардаги табиати тўғрисида маълумотлар берилган.

Термик анализ усуллари муаллифлар томонидан [79] карбамид – чумоли кислота – сув системасида тадқиқ қилинган. Карбамид – чумоли кислота – сув системасида иккита бирикма ҳосил бўлиши аниқланди: $\text{CO}(\text{NH}_2)_2 \cdot 2\text{HCOOH}$ суюқланиш ҳарорати $-11,5^\circ\text{C}$ ва $\text{CO}(\text{NH}_2)_2 \cdot \text{HCOOH}$ ўтиш нуқтаси 3°C ва 44,5 мол % карбамид.

Чумоли кислота – сув системаси диаграммасида $48,5^\circ\text{C}$ да эвтектик нуқтасига эга ва 59,0 мол % сув бор [79].

Муаллифлар ишларида [79] синтезланган бирикма $\text{CO}(\text{NH}_2)_2 \cdot 2\text{HCOOH}$ сув иштирокида барқарор ва эрувчанлик диаграммасида 15,7% майдонни эгаллайди, $\text{CO}(\text{NH}_2)_2 \cdot \text{HCOOH}$ эрувчанлик

диаграммасида 8,4% ҳажми эгаллайди. Анализ натижаларидан кўриш мумкинки, карбамид – чумоли кислота – сув системасида $\text{CO}(\text{NH}_2)_2 \cdot 2\text{HCOOH}$ бирикма диаграммани иккита уклик системасига бўлади: $\text{H}_2\text{O} - \text{CO}(\text{NH}_2)_2 \cdot 2\text{HCOOH} - \text{HCOOH}$ 49,8°C да эвтектик нуқтали ва $\text{H}_2\text{O} - \text{CO}(\text{NH}_2)_2 \cdot 2\text{HCOOH} - \text{CO}(\text{NH}_2)_2$ – иккита нон вариант нуқталар -39,2°C да эвтектик ва -32,2°C да ўтиш нуқтали.

25°C даги сув – сульфат кислота – моноэтанолламин системаси ўрганилди, сульфат кислотани моноэтанолламин билан ўзаро таъсири натижасида эритмада компонентларнинг мольнисбатлари 1:1 ва 2:1 га тенг бўлган моноэтанолламин: сульфат кислотадан иборат бўлган иккита комплекс туз ҳосил бўлади. Қаттиқ кўринишда моноэтанолламин – сульфат кислота бирикмаси ажралди (1:1), бирикма таркибида ноорганик кислотани моноэтанолламинга протони ўтиши натижасида ҳосил бўлган аминокислотали комплекс $[\text{HOC}_2\text{H}_4\text{NH}_3] \cdot \text{H}_2\text{SO}_4$ мавжуд [80].

Муаллифлар ишларида [149] ички саккиз қирқим ёрдамида учлик система $\text{CH}_3\text{COOH} \cdot \text{HOC}_2\text{H}_4\text{NH}_2 - \text{C}_4\text{H}_{10}\text{NO}_3\text{PS} - \text{H}_2\text{O}$ компонентларининг эрувчанлиги ўрганилган. Бинар система эрувчанлик политермаси ва учлик системанинг ички қирқимларига асосан эвтектик музлаш (-51,4°C) ҳароратидан компонентларнинг суюқланиш ҳароратигача эрувчанликнинг политермик диаграммаси қурилди, бу музнинг ва N-ацетамида-О, S-диметилтиофосфатнинг сирка кислота, моноэтанолламин ацетат кристалланиш бўлими борлигини характерлайди.

Политермик усул билан суюқ азотли ўғитлар олиш кимёвий усулларини асослаш мақсадида 56,5 дан -(÷70) ва -72,5 дан - 0°C гача [81] бўлган ҳарорат интервалида формаид – карбамид – сув ва формаид – аммиак – сув системасининг эрувчанлиги ўрганилди. Политермик диаграммада муз, карбамид ва формаиднинг кристалланиш майдони ҳосил бўлиши белгиланди. Системадаги компонентлар ўртасида кимёвий бирикмалар ҳосил бўлмади. Эрувчанлик диаграммаси анализи шуни кўрсатдики, паст ҳароратда кристалланидиган (-50 дан 0°C гача), таркибида

24 дан 35% гача азот бўлган, яхши физик-кимёвий ва товар хоссасига эга, кишлоқ хўжалиги талабларига жавоб берадиган суёқ азотли ўғитлар олиш қулайлигига эга.

Муаллифлар ишларида [82] $\text{NH}_4\text{NO}_3 - \text{CO}(\text{NH}_2)_2$ қўш системанинг эвтектик таркиби аниқланган $\text{NH}_4\text{NO}_3 - \text{CO}(\text{NH}_2)_2$, $(\text{NH}_4)_2\text{SO}_4 - \text{H}_2\text{O}$, $(\text{NH}_4)_2\text{HPO}_4 - \text{H}_2\text{O}$ иккиламчи $(\text{NH}_4)_2\text{HPO}_4 - (\text{NH}_4)_2\text{SO}_4 - \text{H}_2\text{O}$ учламчи системаларнинг термик тадқиқоти натижалари келтирилган.

Муаллифлар томонидан берилган ишларда у 10% сув қўшилганда суёқ ўғит сифатида қўлланилиши мумкин.

Карбамид – сирка кислота – сув [83,84] учлик системасининг ҳолат диаграммаси тадқиқ қилинди. Диаграммада ҳолат 4-компонентларнинг ва $\text{CO}(\text{NH}_2)_2 \cdot 2\text{CH}_3\text{COOH}$ бирикманинг кристалланиш майдони чегараланган. Қўш бирикманинг кристалланиш майдони ҳажм бўйича барқарор конгруэнт бирикма ҳисобланган эрувчанлак диаграммасининг аҳамиятли қисмини (масс.%): муз-3,74, CH_3COOH - 5,84, $\text{CO}(\text{NH}_2)_2$ - 50,28, $\text{CO}(\text{NH}_2)_2 \cdot 2\text{CH}_3\text{COOH}$ - 40,14 ни ташкил этади.

Муаллифлар ишларида [85] мочевино-моноэтанолламин-сув учлик системанинг эрувчанлик политермаси ўрганилган. Системанинг эрувчанлик диаграммаси муз, моноэтанолламин дегидрати, сувсиз моноэтанолламин, мочевинанинг α , β , γ , δ полиморф формаларидан иборат кристалланиш майдонидан ташкил топган. Системада 5 ўтувчи ва 2 та эвтектик нуқталар бор. Система кўрсаткичларига кўра дикалийфосфат, калий пирофосфат, шунингдек микроэлементлар билан тўйингандан сўнг ишқорий суёқ азотли ўғитлар олиш учун улардан фойдаланиш қулайлигига эга тўғрисидаги савол ечилади [86].

Тадқиқотнинг изотермик усулида церий хлорид-этанолламин хлорид-сув системасининг 18,25 ва 50⁰С даги эрувчанлиги ўрганилди. Тадқиқот олиб борилган системанинг эрувчанлиги эвтоник турли изотермага тўғри келиши жорий этилди. Тўйинган эритманинг қаттиқ фаза мувозанати

сувсиз этаноламин хлорид ва церий хлорид кристаллогидрати ҳисобланади.

Иш моноэтанолламин билан ацетон эритмасидаги мис (II) хлоридни ўзаро таъсирга асосланади. Абсолют этил спиртида моноэтанолламин ва мис хлоридни 1:0,7 нисбатида $\text{CuCl}_2 \cdot \text{NH}_2\text{C}_2\text{H}_4\text{OH}$ бирикма ҳосил бўлади.

Моноэтанолламинни кальций ва рух нитрат [90] билан ўзаро таъсири натижасида янги бирикма $\text{Zn}(\text{NO}_3)_2 \cdot 2\text{NH}_2\text{C}_2\text{H}_4\text{OH}$ олиниши ўрганилди. $\text{Ca}(\text{NO}_3)_2 \cdot \text{NH}_2\text{C}_2\text{H}_4\text{OH}$ термик ва рентгенфазага анализ усуллари билан идентификацияланди.

Празеодим хлорид, сув ва моно-, ди-, триэтанолламин хлоридларидан тузилган учлик системанинг эрувчанлиги муаллифлар томонидан ўрганилган [91]. Бошланғич тузли эритмаларнинг кристалланиш майдонидан ташқари $\text{PrCl}_3 \cdot 2\text{NH}_2\text{C}_2\text{H}_4\text{OH} \cdot \text{HCl}$ таркибли бирикманинг кристалланиш майдони борлиги аниқланди ва жорий этилди.

Муаллифлар ишларида калий сульфат-моноэтанолламин-сув системасида 10; 25; 40°C да кристалланишнинг иккита шохобчасидан тузилган эрувчанлик диаграммаси ўрганилган. Биринчи шохобча калий сульфатни кристалланишини, иккинчиси қўш бирикма $\text{K}_2\text{SO}_4 \cdot \text{NH}_2\text{C}_2\text{H}_4\text{OH}$ га тегишли. Калий сульфатни эрувчанлиги моноэтанолламин қўшилганда 10°C да 9,30 дан 17,90 гача; 25°C да 10,71 дан 23,52 гача; 40°C- да 14,81 дан 24,62% гача ортиши аниқланди.

Аммоний нитратни мочевино билан таъсири кўп муаллифлар томонидан ўрганилган [93-100], лекин жараёни кимёвий усуллари турли қарашларга эга.

Аммиакли селитра – карбамид – сув системасини визуал политермик усулда ҳароратга боғлиқ ҳолда тўлиқ қотиши 26,5⁰C дан 25⁰C гача ўрганилганда қаттиқ эритмаларни икки қатори ҳосил бўлиши аниқланди. Тадқиқотда мочевино кўрсатилган ҳарорат интервалида айланиш кристалл шаклини ўзгартирмасдан учта модификация ҳосил бўлиши аниқланди.

Ф.Г.Марголис, Л.Г.Тудоровская аммиакли селитра –карбамид –сув системасида 25 ва 50⁰С да электр ўтказувчанлик ва қовушқоқликни тадқиқ қилишган. Сувли эритмада учта бирикма $\text{CO}(\text{NH}_2)_2 \cdot \text{NH}_4\text{NO}_3$, $\text{CO}(\text{NH}_2)_2 \cdot 2\text{NH}_4\text{NO}_3$ ва $\text{CO}(\text{NH}_2)_2 \cdot 3\text{NH}_4\text{NO}_3$ [94] мавжудлиги аниқланди.

Битта бирикма $\text{CO}(\text{NH}_2)_2 \cdot \text{NH}_4\text{NO}_3$ ҳосил бўлишини Р.Тоштемиров тасдиқлади [95] муаллифлар ишларида [96] инконгруэнт суюқланадиган иккита бирикма ажралишига эришилди.

Иш тадқиқотчилари [97-100] аммоний нитрат – карбамид –сув системасида оддий эвтоник турда, эвтектик нуқта 53,5% аммоний нитрат ва 46,5% мочевино, кристалланиш ҳарорати 44,6⁰С га тўғри келади.

I боб бўйича хулоса

Қисқача адабиётлар таҳлили шуни кўрсатдики, карбамид, аммоний нитрат, моноэтанолламин, чумоли, сирка кислота ва унинг моноэтанолламмонийли тузларини ўз ичига олган системанинг ўрганилмаган физик-кимёвий хоссаларидан хабар беради.

Карбамид, аммоний нитрат, моноэтанолламин, сирка кислота асосидаги суюқ азотли ўғитлар олишнинг технологик ва физик-кимёвий тадқиқоти тўғрисида маълумот келтирилган. Физиологик актив модда бўлган карбамид аммоний нитрат асосидаги суюқ азотли ўғитлар олиш жараёнини ўрганиш учун керак бўлади. Ушбу муаммога боғлиқ кенг ҳарорат ва концентрация интервалида юқоридаги бирикмаларни ўз ичига олган мураккаб сувли системадаги таъсир ва эрувчанликни тадқиқ қилиш керак, суюқ азотли ўғитлар олиш жараёнининг асосий параметрларини аниқлаш бўйича технологик тадқиқот олиб бориш зарур.

Ушбу ишда янги комплекс бирикма синтез қилиш, амалдаги ўғит самарадорлигини ошириш ва карбамид, аммиакли селитра, сирка

кислотанинг моноэтаноламмоний тузи асосидаги суюқ азотли ўғитлар олиш технологиясини ишлаб чиқиш учун қуйидаги вазифалар қўйилди:

- сирка кислота ва моноэтаноламинни ўз ичига олган сувли система тадқиқоти;

- аммоний нитрат, карбамид, сирка кислота ва моноэтаноламинни ўз ичига олган сувли система компонентларининг ўзаро эрувчанлигини тадқиқ қилиш;

- физик-кимёвий анализ усули билан идентификациялаш ва системада ҳосил бўлган янги бирикмани физик-кимёвий хоссаларини характерлаш;

- ишлаб чиқаришни оптимал технологик параметрларини аниқлаш.

Карбамид, аммоний нитрат ва сирка кислотани моноэтаноламмонийли тузи асосидаги суюқ азотли ўғитлар олиш жараёнининг норматив ва технологик параметрларини ишлаб чиқиш.

Аммоний нитрат – сув системаси кўп муаллифлар томонидан ўрганилган [96, 129,131]. Бу ишда олиган ушбу системанинг эрувчанлик бўйича катталиклари бошқа муаллифлар томонидан олинган натижаларга тўғри келади [135]. Системанинг эвтектик нуқтаси 43,1% аммоний нитрат таркибига ва 16,8⁰С ҳароратга тўғри келади.

Илгари моноэтаноламин – аммоний нитрат – сув системаси 25 ва 50⁰С ҳароратда ўрганилган [37]. Эрувчанлик изотермасида қаттиқ фазада ажралган аммоний нитрат битта кристалланиш шохобчасига тўғри келади. Система эритмасида моноэтаноламин концентрацияси ортган сайин аммоний нитрат эрувчанлиги ҳам ортиши аниқланди.

2 боб. Тажириба ва анализларни олиб бориш усуллари

1. Бошланғич моддалар характеристикаси.

Текшириш ишларини олиб боришда карбамид, аммоний нитрат, сирка кислота, вакуум остида тозаланган “ч” классификацияли моноэтанолламин қўлланилади.

NH_4NO_3 аммоний нитрат- $M=80,05$ у.б. молекуляр массали оқ кристалл модда, аммиак ва нитрат сувда эрийди. Аммоний нитрат кучли ёпишқоқлик хусусиятига эга. Бу аммиакли селитрани сувда эрувчанлигини оширади, юқори эрувчанлик коэффициентига эга, гигроскоп.

Мочевина- $\text{CO}(\text{NH}_2)_2$ оқ кристалл модда, $M_2=60,03$ молекуляр массали, 46,67% азот амид формада мавжуд, карбамид сувда яхши эрийди, $d=1,219\text{г/см}^3$; $n=1,371$; $t_{\text{суюк}}=8,25^\circ\text{C}$; $C^\circ_p=98,74^\circ\text{C}$;

КАС- рангсиз, тиниқ суюқлик, pH муҳити 6,95-7,00 20°C даги ковушқоқлик $=2,700-2,7100\text{ мм}^2/\text{с}$, кристалланиш ҳарорати $(-95)-(-97)^\circ\text{C}$.

Сирка кислота- CH_3COOH рангсиз ўткир ҳидли тиниқ суюқлик, сув билан турли нисбатларда аралашади, органик бирикмаларда яхши эрийди.

$M_2=60,05$ у.б. $d=1,0492$ г/см³, $n=1,3720$; $t_{\text{суюқлик}}=17,75^{\circ}\text{C}$; $t_{\text{кай}}=11,81^{\circ}\text{C}$;
 $n=1,155\text{мм}^2/\text{с}$.

Моноэтаноламин- $\text{NH}_2\text{C}_2\text{H}_4\text{OH}$ рангсиз, қовушқоқ гигроскоп суюқлик. Сув ва спирт билан аралашади. Кучсиз асос, ҳаводаги CO_2 ни ютади. $M_2=61,09$ г/моль $d=1,0224$ г/см³, $n=1,4538$; $t_{\text{суюқлик}}=10,51^{\circ}\text{C}$;
 $t_{\text{кай}}=171,1^{\circ}\text{C}$; $n=19,351\text{мм}^2/\text{с}$.

Бир ўрин олувчи нордон уксусли моноэтаноламмоний- $\text{CH}_3\text{COOH}\cdot\text{NH}_2\text{C}_2\text{H}_4\text{OH}$ 1:1 моль нисбатда сирка кислота билан моноэтаноламиннинг ўзаро таъсир этиш йўли орқали синтезланади. Натижада бир ўрин олувчи нордон сирка кислотали моноэтаноламмоний оқ кристали чўкмага тушади, сўнгра сувли эритмада кристалланиш йўли билан тозаланади.

Икки ўрин олувчи нордон уксусли моноэтаноламмоний $2\text{CH}_3\text{COOH}\cdot\text{NH}_2\text{C}_2\text{H}_4\text{OH}$ 2:1 моль нисбатда сирка кислотани моноэтаноламин билан ўзаро таъсир йўли синтезланди. Натижада қуюқ қовушқоқ сариқ-малла рангли суюқлик олинади.

2 Кимёвий ва физик-кимёвий анализ усуллари

Сув туз системасидаги мувозанатни текшириш учун визуал-политермик усул, шунингдек изомоляр сериялар усули қўлланилади.

Системада компонентлар эрувчанлик диаграммаси ва системадаги физик-кимёвий мувозанат визуал политермик усул орқали олиб борилади (105,106). Эритмани узлуксиз аралаштириш ва секин қиздириш натижасида сўнги кристалларнинг йўқолиши ёки бир меъёрда совутиш натижасида биринчи кристалларнинг ҳосил бўлишини визуал кузатишдан иборат. Текшириш учун асбоблар шиша ёки платина аралаштиргичли тикинли пробирка, $0,1^{\circ}\text{C}$ оралиғида бўлинган термометрдан фойдаланилади. Пробиркани бир текисда совутиш учун совутувчи аралашма жойлаштирилган ташқи пробирка муфтага жойлаштирилади.

Қиздириш ҳам муфта орқали амалга оширилади. Совутиш Дьюар идишида суяқ азот ёки муз ёрдамида амалга оширилади [107].

Нонвариант нукталардаги кристалланиш ҳарорати ва таркиби жорий этилди ва амалдаги иккита қаттиқ фазанинг тўйиниш йўналишини ўзгариш характери системанинг ён томонига тегишли эрувчанликнинг политемик эгри чизик проекцияларини куриш орқали олиб борилди.

Эрувчанлик изотермасига тегишли таркиб нуктасини политемик кирқим бўйича катталиклар интерполяцияси топилди [108].

Сув муҳити ва компонентлар орасидаги ўзаро таъсир механизмини белгилаш учун системада Остромислан-Жоб усулида изомоляр сериялар усуллари ўрганилди [109]. Текшириш шароитлари системадаги бошланғич изомоляр эритмалар ҳарорати ва эритувчи концентрацияси доимийлигини сақлаш ҳисобланади.

Изомоляр сериялар усули бўйича тадқиқот бошланғич ҳажмлар йиғиндиси доимийлигида турли хил нисбатда бошланғич компонентларнинг изоконцентрат эритмаларини солган ҳолда олиб борилди. Бунинг учун эритмалар қовушқоқлиги, зичлиги, синдириш кўрсаткичи ва муҳит рН ўлчанди.

Миқдорий кимёвий анализда азот миқдори Къелдал бўйича [110], углерод ва водород Дюмо микро усули бўйича [111], кислород қолган компонентларнинг миқдори турлилиги бўйича, карбамид спектрокалориметр ФЕК-56м да амид-азоти бўйича аниқланади [112].

Қаттиқ фаза бир хиллиги қуйидаги физик-кимёвий усуллар ёрдамида бажарилди:

Текширилаётган бирикмалар рентген анализи Дрон-2 дифрактометрда, 40 кВ кучланишда филтрланган мисли нурланишда ўлчанди, ток кучи 20 МА, ҳисоблагич ҳаракат тезлиги 2 град/мин. ташкил этди.

Юзалар оралиғидаги масофа қиймати бурчак тасвирига тегишли жадвал бўйича [113-115], дифракцион чизиқ интенсивлиги стабил шкала бўйича топилди.

Термик анализ Паулик-Эрдей системалар деривитографида киздириш тезлиги 10-12 град/мин. да, 100-200 мг модда оғирлигига ДТА-1/10, ДТГ-1/15 гальванометрлар сезгирлигида, 20-900⁰С ҳарорат интервалида ТГ-200 да олиб борилди. Ёзиш атмосфера босимида доимий равишда ажралиб чиқаётган газни оқимчали насос ёрдамида ажратиб олиш орқали амалга оширилди.

Ушлагич сифатида 7 мм диаметрли платина тигел қўлланилди. Эталон сифатида куйдирилган алюминий оксиди ишлатилди [116-118].

Инфрақизил спектр анализи текширилаётган бирикмани ташкил этувчи компонентлар ўртасида ўзаро таъсир характери аниқлаш учун олиб борилди. Текширилаётган бирикмалар ва бошланғич компонентларнинг инфрақизил нурларни ютилиши спектрофотометр Specord IR-75 да, 400-4000 см⁻¹ частота майдонида қайд қилинди. Намуналар КВч билан преслаш, шунингдек вазилен мойи билан артиш орқали тайёрланди [119,120].

Ядровий магнит тебраниш усули доимий магнит майдонида жойлашган атом ядрогаги магнит моментларнинг энергетик даражаси оралиғида квант ўтишига боғланган ўзгаришларни ўрганишга асосланади. Магнит моментларнинг йўналиши радиотехник қурилма ёрдамида қайд қилинадиган электромагнит энергия квантларининг нурланиши теки ютилишида кузатилади. Ядровий магнит тебранишларнинг ҳосил бўлиши аҳамияти ўраб турган электр ва магнит майдонининг чексиз ўзгариши билан хулоса қилинади [121,122].

Эритмаларнинг кинематик қовушқоқлиги капилляр диаметри 1,16-2,75 мм ли ВПЖ капилляр вискозиметр ёрдамида аниқланди [123]. Натижа аниқлиги $\pm 0,0001 \cdot 10^{-1} \text{ м}^2/\text{с}$.

Нисбий зичлик пикнометр усулда аниқланди [124]. Пикнометр зичлигини аниқлаш учун дистилланган сув тўлдирилди, 20⁰С гача қуритилди ва тортилди. Қуруқ пикнометр оғирлигини билган ҳолда 20⁰С даги сув зичлиги билан тўлдирилган пикнометр ва унинг ҳажми ҳисобланди. Ўлчаш ±0,00005 г аниқликда олиб борилди. Натижалар ±0,1 кг/м³ аниқликда амалга оширилди.

Эритма муҳити рН универсал мономер ЭВ-74 [125] усулига асосан олиб борилди.

Синдириш кўрсаткичи БМ модели ИРФ 454 рефрактометрда битта рефрактометр блокада 1,2/1,7 диапазонда аниқланди [126].

